

## А Ж Р И М

2023 йил 15 май куни жиноят ишлари бўйича Қамашини туман судининг биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг раиси О.Мустафаев раислигида, судья ёрдамчиси М.Мирзаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қамашини тумани прокурори ёрдамчиси Б.Бозоров, судланувчи С.Бутаев ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Саидов, жабрланувчи Г.Бердиевнинг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган:

1960 йил 17 февраль куни Қашқадарё вилояти Қамашини туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланган:

1. Жиноят ишлари бўйича Қамашини туман судининг 2007 йил 22 майдаги ажримига асосан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддаси билан бўлган жиноят иши, тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддаси тартибида ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан ҳаракатдан тугатилган;

нафақада, Қамашини тумани Манғит МФЙ, Ғани Аъзамов кўчаси 34-уйда яшовчи, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 18 апрель куни олган, Бутаев Собир Мансурович (BUTAYEV SOBIR MANSUROVICH)га оид 1-1810-2301/84-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И;

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, С.Бутаев 2023 йил 31 январь куни соат 11:30 ларда бошқарувида бўлган “Исузу СА3 NP 26” русумли 70 2810ВА давлат рақамли транспорт воситасида Қамашини тумани, Қишлиқ маҳалласи томон ҳаракатланиб бораётиб, амалдаги “Йўл-ҳаракати қоидалари”нинг 158-банди талабига кўра, яъни ҳайдовчи транспорт воситаси тўлиқ тўхтагандан кейин йўловчиларнинг чиқиши ва тушишида уларнинг хавфсизлигини таъминлаши кераклиги, эшиклар ёпилгандан сўнг ҳаракатланишни бошлаши ва тўлиқ тўхтамагунча уларни очмаслиги шарт деб, кўрсатилган қоида қўпол равишда бузиб, автомашинани ўз-ўзига ишониш ва жиний бепарволик билан бошқариб, транспорт воситаси йўналиши бўйича йўлнинг Қамашини тумани Юксалиш МФЙ, Олмазор кўчасидан ўтган ўнг томон



четки қисмида йўловчиларни тушириб, автобус эшигини ёпмасдан ҳаракатланиб юбориши натижасида йўл-транспорт ҳодисаси содир этган, оқибатда С.Бутаев бошқарувидаги “Исузу САЗ NP 26” русумли 70 2810ВА давлат рақамли транспорт воситасидан тўлиқ тушишга улгурмаган Бердиева Гулнора Амановнани йиқилиб, соғлиқнинг узоқ муддатга (21 кундан ортиқ) бузилишига олиб келган ўрта оғир шикаст олишига сабабчи бўлган.

РСТЭИАМ ҚФ Қамаш тумани суд-тиббий экспертиза бўлинмасининг 09.02.2023 йилдаги №51/26-Хуж/Раҳ-сонли хулосасида Г.Бердиевага етказилган жароҳатлар асоратсиз кечиши даврида соғлиқнинг узоқ муддатга (21 кундан ортиқ) бузилишига олиб келган ўрта оғир шикастлар гуруҳига кириши аниқланган.

Автотехника экспертизасининг 28.02.2023 йилдаги 29-2105(408)13.1;13.2Z641-642-сонли хулосасида “Исузу САЗ NP 26” русумли 70 2810ВА давлат рақамли автомобил ҳайдовчиси ҳаракатлари амалдаги “Йўл-ҳаракати қоидалари”нинг 158-банди талабларига мос бўлмагани кўрсатилган.

Дастлабки тергов органи томонидан С.Бутаевнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан малакаланиб, айб эълон қилинган.

Жабрланувчи Г.Бердиева судда, ҳозирги вақтда С.Бутаев ўз айбига тўлиқ иқрор ва пушаймон бўлиб кечирим сўраганлигини, С.Бутаев унга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаб бергани, шу сабабли, у билан ўзаро ярашганлигини инobatга олиб, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини ва ихтиёрий ярашганини билдириб, ярашганлик тўғрисида ариза тақдим қилиб, С.Бутаевга оид жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни сўради.

Судланувчи С.Бутаев судда, айбига иқрор ва пушаймон эканини, жабрланувчи Г.Бердиевадан кечирим сўраб, ўзаро ихтиёрий ярашганини, етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплаганини билдириб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризаларини ва жиноят ишидаги мавжуд далилларни ўрганиб, прокурорнинг ва ҳимоячининг фикрини муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра ишни ярашув асосида тугатишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса, етказилган зарарни бартараф этса, жинoий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмида жабрланувчи Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича жабрланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши суд томонидан



айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши қайд этиб ўтилган.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, С.Бутаев муқаддам судланмаган, ўз айбига иқдор, жабрланувчи билан ўзаро ярашган, ҳамда жабрланувчига етказилган моддий зарарлар қопланганлигини, ярашув ихтиёрий бўлиб, ишни ярашув асосида ҳаракатдан тугатишга асослар мавжуд.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан С.Бутаевнинг айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмасдан жиноят ишини тугатишни, жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланган деб ҳисоблашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 423, 585-586-моддаларига риоя қилиб, суд,

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Бутаев Собир Мансурович (BUTAYEV SOBIR MANSUROVICH)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан бўлган жиноят иши томонларнинг ярашганлиги муносабати билан айблилик масаласини ҳал қилинмасдан туриб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан ҳаракатдан тугатилсин.

Жабрланувчи Г.Бердиевага етказилган зарар қопланганлиги қайд қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар 20 кунлик муддат ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий тартибда шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

О.В.Мустафаев

